

Шаржада Қуръон қўлёзмаларининг нодир нусхалари намойиш этилмоқда



10:00 / 24.04.2021 1317

БААнинг Шаржа шаҳрининг Калбаа жамоат кутубхонасида 40 та Қуръон қўлёзмаси намойиш этилмоқда. Бу ҳақда Al Ruue янгиликлар сайти хабар беради. Ушбу кўргазма мусулмонларнинг хаттотлик санъатидаги эволюциясини ва Ислом тарихининг турли босқичларида ривожланишини акс эттиради ҳамда Қуръон қўлёзмаларининг нодир нусхалари жамоатчиликка тақдим этилмоқда.

Кўргазма Бирлашган Араб Амирликлари хаттоти Али Абдулла Ал-Ҳамадийнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Қўлёзмаларга қўшимча равишда нодир Қуръон нусхалари тахминан оғирлиги 10 кг келадиган Қуръоннинг «Ҳасан Ризо» нусхаси ҳам намойиш этилмоқда.

Ушбу кўргазмадаги намойиш этилган қадимий Қуръон, қўлёзмалар ва бошқа ёзув материаллари Руминия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Ўзбекистондаги музейлар билан алоқалар орқали 19 йил мобайнида тўпланган асарлар қаторига киради.

Абдуллоҳ ал-Ҳамадий кўргазмада меҳмонлар учун Қуръонни қандай ёзиш ҳақида жонли семинар ташкил қилди. Бунинг нозик жиҳатларини тушунтирди ва хаттотликни ўрганган ва тажрибага эга бўлган одамгина

Қуръонни ёзиши мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Бирлашган Араб Амирликларининг хаттотлари ўз қўли билан ёзилган Қуръон, қадимий қўлёзмалар, ноёб нусхалар ва бошқа нарсалар учун шахсий музей ташкил этишга умид қилмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади